

✎ ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН.....	2
✎ «АЛ-АДАБ АЛ-МУФРАД» АСАРИ – ТАОМУЛИЙ ИБОДАТЛАР МАЖМУАСИ	4
✎ ТАЖВИДГА ОИД МАНБАЛАР	8
✎ ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИ АҚШДА КАШФ ЭТГАН ОЛИМ.....	12
✎ ОТА ТАРБИЯСИДА ҲИКМАТ КЎП	16
✎ АБУ БАКР КОСОНИЙНИНГ «БАДОИЪ АС-САНОИЪ» АСАРИ ҲАНАФИЙ ФИҚҲИГА ОИД МУҲИМ МАНБА ...	21
✎ ИБОДАТНИНГ ПСИХОТЕРАПЕВТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	24
✎ ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМШУНОСЛИГИ: ЯНГИ ИСТИҚБОЛ МАРРАЛАРИ	27
✎ ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК МАСКАНИ.....	31
✎ ИБН СИНОНИНГ АХЛОҚҚА ОИД РИСОЛАЛАРИДА АҚЛНИНГ ЎРНИ.....	33
✎ АБУ БАКР ЖАССОСНИНГ «АҲКАМ АЛ-ҚУРЪАН» АСАРИДАГИ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ	36
✎ СУБАЗМУНИЙ МУСНАДИ	41
✎ XIV – XV АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ-МИСР МУНОСАБАТЛАРИ.....	44
✎ АНДАЛУЗИЯДА АРАБ ТИЛШУНОСЛИГИ.....	48
✎ ДАСТЛАБКИ ТАФСИР МАКТАБЛАРИ	54
✎ ИНТЕРНЕТДАГИ ТАҲДИДЛАРДАН ЁШЛАР ОНГИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ	59
✎ СУҲРОБ СИПЕҲРИЙ ИЖОДИДА ЯРАТГАННИ АНГЛАШ ИФОДАСИ	64
✎ ФОНИЙНИНГ «ТУҲФАТ УЛ-АФКОР» ВА ЖОМИЙНИНГ «ЛУЖЖАТ УЛ-АСРОР» ТАТАББУЛАРИ	70
✎ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	74
✎ ИМОМ МОТУРИДИЙ АСРИ	78
✎ ҲАЗАЛ-МАРСИЯЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	82
✎ ИСЛОМ МАДАНИЯТИДА КИТОБНИНГ ЎРНИ ВА КИТОБАТ ҚИЛИШ АНЪАНАЛАРИ	87
✎ МАСЖИДДАГИ ДИНИЙ РАМЗЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ	92
✎ «РОҲАТУ-Л-ҚУЛУБ» КИТОБИ	97

Муассасалар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмита,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси,
Ўзбекистон халқаро
ислом академияси

Бosh муҳаррир:
Шўхрат ЁВҚОЧЕВ

Нашр учун масъул:
Абдуҳамид МУХТАРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Саидқабар АЪЗАМХҲҲАЕВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Зоҳидуллоҳ МУНАВВАРОВ
Нуриислом ТЎХЛИЕВ
Аҳаджон ҲАСАНОВ

Жамоатчилик кенгаши:
Усмонхон АЛИМОВ
Жасур АҚРАМОВ
Шоислом АҚМАЛОВ
Камол КАРИМОВ
Шайх Абдулазиз МАНСУР

Ижодий гуруҳ:
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Сарвар ОЧИЛОВ
Баҳриддин БОЗОРОВ
Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ

Бадий муҳаррирлар:
Лутфулло АБДУЛЛАЕВ
Файзулло СОБИРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
2018 йил 17 сентябрда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами – 0968.
Йилда тўрт марта чиқади.
Нашр кўрсаткичи – 1323.
ISSN 2181-9572

Таҳририят манзили:
Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.
Тел./факс: (+99871) 244-00-91
E-mail: islomtafakkuri@iia.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг
1666-сонли ҳулосаси асосида тайёрланди.

Қўлезмалар қайтарилмайди.
Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос
олинса, «Ислом тафаккури»дан олингани
кўрсатилиши шарт.
Журнал саҳифаларида Аллоҳ таоло исмлари,
Қуръони карим оятлари ва ҳадислар
берилаётгани сабабли уни ножоиз жойларга
ташланганг.

Босишга 20.02.2019 йилда рухсат берилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида
босилди. Шартли 12,4 б.т. Буюртма: 14.
Адади 200 донга.

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
босмаҳонасида chop этилди.
Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-уй.

Дониёр Муродов,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
«Ислом фанлари» кафедраси доценти



СУБАЗМУНИЙ МУСНАДИ

Бухоро қадимдан ўзининг машҳур кишилари билан ажралиб турган. Айниқса, бу шаҳар ўзининг машҳур муҳаддислари билан дунёга танилганини алоҳида қайд этиб ўтиш мумкин. Шу билан бирга улар ҳанафийликка эътибор бериб, унинг ривожига хизмат қилдилар. Мана шундай ҳанафий мазҳаби олимларидан бири муҳаддис ва фақиҳ Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Субазмуний (258 – 340/872-952) ҳисобланади.

Олимнинг тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Ҳорис ибн Халил Устоз Имом Ҳофиз Фақиҳ Субазмуний Ҳорисий Калобозий бўлиб, у Бухородан ярим фарсах (1,5 км.) узоқликдаги Субазмун қишлоғида 258/872 йили таваллуд топган.

Манбаларда имом Абдуллоҳ Субазмунийнинг ҳанафий фақиҳи, муҳаддиси, шу билан бирга тилшунос олим бўлгани учрайди. Ўз замонасида одамлар имом Субазмунийдан доимий равишда маслаҳатлар олар эдилар. Берган маслаҳатларида бирор марта хато учрамаганлиги учун уни «Устоз» лақаби билан атаганлар. Шунингдек, бу олим фақиҳ сифатида ҳам фаолият олиб бор-

ганки, манбаларда унинг фақиҳлигини ҳам алоҳида таъкидлайдилар.

Фақиҳ Хуросон, Ироқ ва Ҳижоз шаҳарларига кўплаб саёҳат қилганлигидан «ал-Жаввол» (жаҳонгашта, саёҳатчи) лақабини олган ҳамда ҳадис ва адабиётдан дарс ҳам берган.

Имом Абдуллоҳ Субазмуний 340/952 йили шаввол ойининг 5-жума (4 март) кунида вафот этган. Унинг қабри ўзи туғилиб ўсган Субазмун қишлоғида жойлашган.

Абдуллоҳ Субазмуний ҳақида маълумот берувчи манбаларда унинг бир неча асарлари бор (*лаҳу тасониф*) деб айтилган. Бироқ, ҳозирда бизга унинг икки асари маълум. Бири «Муснад Аби Ҳанифа», иккинчиси «Кашф ал-осор фи манотиб Аби Ҳанифа», қисқача қилиб «Кашф ал-осор» дейилади. Мазкур иккинчи асар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғизмалар фондида 3105-рақами остида сақланиб келинмоқда. Аммо алломанинг биринчи асари «Муснад Аби Ҳанифа»нинг Ўзбекистондаги нусхалари ҳақида маълумот мавжуд эмас.

Чунончи Субазмуний «Кашф ал-осор фи маноқиб Аби Ҳанифа» китобида «(ривоятларни) «Муснад» китобида келтириб ўтдик», «уларни (ривоятларни) «Муснад» китобида зикр қилдик» деганидан олимнинг «Муснад» асари «Кашф ал-осор»идан аввал ёзилган деган хулоса келиб чиқади. «Кашф ал-осор»да бундай ҳолат кўп такрорланса-да, бироқ Абдуллоҳ Субазмуний ўзининг бошқа асари ҳақида маълумот келтирмаган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, олимнинг «Муснад Аби Ҳанифа» асари бизгача тўлиқ ҳолда етиб келмаган. Шундай бўлсада, ушбу асар ҳақидаги маълумотларни Ҳасфакийнинг «Мухтасар» асари орқали аниқлаш мумкин. Имом Субазмуний ўз «Муснад»ини Имом Абу Ҳанифанинг шайхлари (устозлари) асосида тузиб чиққан. Унда Имом Абу Ҳанифанинг 79 та шайхи иштирок этган.

«Муснад»да Имом Абу Ҳанифанинг шайхи зикр этилиб, сўнгра ўша шайхнинг ҳадислари баён қилинади. Масалан, «Абу Ҳанифа Ҳакам ибн Утайбадан ривоят қилган ҳадислар» деб, Ҳакамдан қандай ҳадислар ривоят қилган бўлса ўшаларни бирма-бир келтиради. Бу ҳолат одатдаги муснад ёзиш услубидан фарқ қилади¹.

Субазмунийнинг «Муснад»и асосан маҳаллий ровийлар, яъни Ибн Манда

ривояти орқали келтирилган бўлиб, ҳанафий мазҳабидаги ўлкаларга тарқалган.

«Муснад» асари кейинчалик бошқа ҳанафий муҳаддислари томонидан қайта ишланган. Улардан бири Мусо ибн Закариё ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Соид Ҳаскафий Қодий Садруддин (ваф. 650/1252 й.) бўлиб, у буюк аждодимизнинг асарини мухтасар ҳолатга келтирган. Бу асарнинг қўлёзмаси ал-Азҳар университети кутубхонасида 311832-рақами остида (176 варақдан иборат) сақланади ва «Ҳофиз Абу Муҳаммад ал-Ҳорисий муснади» деб аталади. Ҳаскафийдан сўнг унинг китобини шайх Муҳаммад Обид Синдий Мадиний (ваф. 1257/1839 й.) фикҳий масалалар тартибига кўра тизимлаштирган. Муснад услубидаги асарлардан фойдаланиш қийин бўлгани учун мавзуга оид қилиб ўқувчига осон тарзда тартиблаган.

«Мухтасар»да беш юздан ортиқ ҳадис ўрин олган бўлиб, у «Синдий муснади» номи билан юритилади. Бу асарга Али Қорий томонидан ёзилган шарҳ Ҳиндистонда 1312/1894 йили Ҳаравий таҳрири остида нашр қилинган. Шунингдек, Синдийнинг (ваф. 1257/1841 й.) ўзи асарга «ал-Маваҳиб ал-латифа фи-л-ҳарам ал-Маккий би шарҳ Муснад ал-имом ал-Ҳасфакий» («Имом Ҳасфакий муснади шарҳи билан Макка ҳарамига латиф совға») номи билан шарҳ ҳам ёзган. Имом Абу Ҳанифа муснадлари орасидаги энг катта шарҳ эҳтимол шу бўлиши мумкин. Шунингдек, Муҳаммад Ҳасан Сунбуҳалий (ваф. 1305/1887 й.) Синдийнинг асарини «Тансиқ ан-низом бишарҳ Муснад ал-имом» («Имом Муснадининг шарҳига тартибли низом») номи билан шарҳлаган ва унинг муқаддима қисмида асардаги ровийлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирган.

¹ Муснад сўзи араб тилида асосланган, таянч, далилланган, яъни иснодга асосланган, деган маъноларни билдиради. Ҳадис истилоҳида эса, бир неча маъноларда қўлланиб келади. Биринчи маъносига кўра, исноди муттасил равишда ўз ниҳоясига, яъни Пайғамбар (с.а.в.)га етган ҳадис, яъни санади билан ривоят қилинган ҳадисдир. Ҳадис тўплами сифатида эса, қуйидаги услубларда ёзилган: 1. Саҳобаларнинг номлари алифбо тарзида жойлаштирилиб, бир саҳобий ривоят қилган барча ҳадислар бир жойда келтирилади, ундан кейин бошқа саҳобий ва ҳоказо; 2. Саҳобанинг фазилатига қараб тузилади; 3. Саҳобийларнинг исломга кириш тарихига кўра, олдин Абу Бакр (р.а.)ники келтирилиб, ундан кейин бошқалар билан давом эттирилади. Аммо Субазмуний бошқа услубни қўллаган.

Иккинчи олим Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Масъуд Жамолуддин Қунавий Димашқий (ваф. 771/1369 й.) ҳам Абдуллоҳ Субазмунийнинг асарини мухтасар қилиб ҳамда уни фикҳий масалалар тартибига кўра ўттиз уч бобга бўлиб чиққан ва уни «ал-Муътаmid мухтасар ал-Муснад» («Муснаднинг мухтасарига таянч») деб номлаган. Сўнгра уни «ал-Мустанид шарҳ ал-Муътаmid» («Муътаmidнинг шарҳига таянч») номи билан шарҳлаган. Мавриди келганда айтиш керакки, бу олим тафсир, калом, фикҳ ва бошқа соҳаларда ҳам қалам тебратган серқирра фаолият соҳибидир.

Учинчи олим эса, Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуғо (ваф. 879/1474 й.) бўлиб, у ҳам Ҳорисийнинг асарини Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Хусрав Балхий (ваф. 576/1183 й.) бобларга бўлган ҳолда ривоят қилган ва у «Ибн Қутлубуғо муснади» деб юритилади.

Хуллас, Абдуллоҳ Субазмунийнинг «Муснад» асари кўплаб олимлар томонидан тадқиқ этилган. Умуман олганда, юқорида келтирилган маълумотлардан Абдуллоҳ Субазмунийнинг асари устида олиб борилган ишлар кўлами кенг экани маълум бўлади. Айни пайтда, имом Субазмуний «Муснад»ининг бизнинг олимларимиз томонидан тадқиқ қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, бу борада Синдий асаридаги ровийларни чуқур ўрганиш юртимиздан етишиб чиққан барча ҳанафий муҳаддислар ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Имом Субазмунийнинг «Муснад» асари ҳажм жиҳатидан ҳанафий мазҳабида ёзилган Исфохоний ва бошқа олимларнинг «Муснад»ларидан катта ҳисобланиб, муҳаддислар ҳамда кенг халқ оммасига мўлжалланган манбалар сифатида қадрланган. Буни «Муснад»га ёзилган мухтасар ва шарҳларнинг кўплигидан

ҳам билиш мумкин. Шу боис ҳам ҳанафий олимларининг ҳадис тўпламлари орасида имом Субазмунийнинг «Муснад» ва Хоразмийнинг «Жомеъ ал-масонид» асарлари энг кўп зикр қилинади.

Ҳанафий олимлари кейинги даврларда ўз мазҳабларига нисбатан қилинган тўхматлар боис ва хилма-хил кўринишдаги курашлар, зиддиятлар, жумладан, ҳадислар хусусидаги ихтилофлар туфайли ўзларини турли йўллар билан, айниқса, ҳадис илмига оид асарлар ёзиш билан ҳимоя қилишларига тўғри келди. Натижада ҳанафий олимлари томонидан яратилган ҳадис китоблари пайдо бўла бошлади. Бу турдаги китобларда асосан ўз мазҳаблари турли масалаларда ҳужжат сифатида ишлатадиган Имом Абу Ҳанифадан ривоят қилинган ҳадислар жамланди. Мана шундай манбалардан Абдуллоҳ Субазмунийнинг «Муснад» ва «Кашф ал-осор фи манокиб Аби Ҳанифа» асарлари ўрин олган.

Ҳанафий мазҳаби олимларидан Абу Муайяд Муваффақ ибн Аҳмад ибн Исҳоқ Маккий Хоразмий (ваф. 568/1172 й.) Абу Ҳанифага нисбат берилган 15 та муснадлардан фикҳий масалаларда сайланма ёзади ва бу асарлар орасида энг кўп фойдалангани Абдуллоҳ Субазмуний Бухорийнинг «Муснад»и ҳисобланади.

Шунингдек, Абу Муайяд Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад Хоразмий (ваф. 665/1266 й.) каби олимлар ҳам ўз асарларини яратишда ундан кенг истифода этганлар.

Ҳанафий муҳаддисларининг асосий эътиборлари ва олиб борган ишлари Имом Абу Ҳанифанинг муҳаддислик фаолиятини тўлиқроқ кўрсатишга ҳамда «ҳадисларни яхши билмайди» деган асоссиз гаплардан уни ҳимоя қилиш мақсадида айнан ҳадислардан ҳужжат тўплашга қаратилган.